# М. С. ГОРБАЧЕВнинг ҳинд журналистлари билан суҳбати

(Давоми. Боши биринчи бетда).

СССРда информатика, ҳисоблаш техникаси ва машинасозлик соҳасида йирик программалар амалга оширилмоқда. Бу ҳам Ҳиндистон билан ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради. Визит чоғида ана шу хусусда ҳам айрим масалаларни ҳал этамиз. Ҳозирча буларни ошкор этмай тураман.

Биз ҳинд халқининг ўз мустақиллиги учун курашига ҳамиша катта ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлганмиз, унинг тинчликсевар йўлини қўллаб-қувватлаганмиз ва Ҳиндистоннинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишларини ҳамиша маъқуллаб келганмиз.

Бизнинг илмий-техникавий алоқаларимиз, маданият соҳасидаги ҳамкорлигимиз ва туризм кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Бу халқларни яқинлаштиради, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлайди.

Товар оборотида, савдода муайян муаммолар вужудга келди, аммо ҳозир Совет томони ҳам, Ҳиндистон томони ҳам амалий иш юритмоқда ва товар обороти ортиб бораверади.

Ҳамкорлигимизнинг, умуман Совет — Ҳиндистон муносабатларининг келажаги яхши, деб ўйлайман. Биз учун Ҳиндистон билан муносабатларни қай тарзда йўлга қўйиш керак, деган саволнинг ўзи йўқ. Биз Ҳиндистонни қалин дўстимиз, деб ҳисоблаймиз, унинг жаҳон жараёнининг ҳамма жабҳаларига қўшаётган жуда катта ҳиссасини қадрлаймиз.

**Савол:** Жаноб Бош секретарь, мен Совет — Ҳиндистон дўстлиги масаласига, бундан 15 йил муқаддам мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Шартнома хусусида тўхтаб ўтишни истар эдим. Ҳозирги халқаро вазият нуқтаи назаридан ана шу Шартномани муҳим ҳужжат, деб баҳолаш мумкинми?

**М. С. Горбачев.** Ҳа, мен бу Шартнома ва унинг аҳамияти Совет — Ҳиндистон муносабатлари доирасидан ташқарига чиқади, деб ўйлайман.

Мамлакатингиз билан дўстлик Шартномасини имзолаётганимизда биз, аввало, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистоннинг манфаатларини ўйладик, албатта. Бу тушунарлидир. Шу билан биргаликда ана шу Шартнома асосида ҳамкорликнинг ривожланиши бу Шартномани амалга ошириш чоғида биз эришган марралар ҳозир шуни айтишга имконият берадики, бу муносабатлар ва демакки, Шартноманинг ўзи ҳам бошқа мамлакатлар учун яхши намунадир. Биз ҳозир халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлларини қидириш, турли социал системадаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшашини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирар эканмиз, ҳамкорликнинг бу ибрати, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бу намунаси катта умумбашарий хазинадир.

Неча йиллардан бери жуда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, биз ҳам ўз мустақиллигимизни йўқотганимиз йўқ. Ҳиндистон ҳам ўз мустақиллигини йўқотгани йўқ. Унинг мустақиллигига ҳеч қандай путур етгани йўқ. Аммо биз кўп нарсаларга эга бўлдик. Бизнинг муносабатларимиз халқаро сиёсатнинг қудратли омилига айланди.

Шартнома — бу тарих эмас. Бу — бугунги кун ҳамдир, бу ҳозирги кунларимизнинг, ҳозирги замонамизнинг жўшиб турган амалиётидир.

**Савол:** Жаноб Бош секретарь, Сиз Совет — Ҳиндистон муносабатлари тўғрисида гапирдингиз. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ва илмий ҳамкорлик яна ҳам мустаҳкамроқ бўлиши учун Сиз яна нималарни таклиф этмоқчи эканлигингизни билмоқчи эдим?

**М. С. Горбачев.** Бу масала хусусида Деҳлида гаплашганимиз маъқул. Биз жаноб Ганди билан барча масалаларни муҳокама қилганимиздан кейин келиб, сизга ҳам гапириб берамиз. Олдиндан гапириб ўтирмайлик. Иккала томон бир варақайига нима хусусда битимга келишганини айтиб беришса, сизга ҳам қизиқарли бўлади, албатта. Сиз матбуот конференциясида қатнашасиз, деб ўйлайман, бу саволни сиз ўша ерда берасиз, деб келишиб олайлик.

**Савол:** КПСС XXVII съездида Сиз Совет Иттифоқининг Афғонистондан чиқиб кетиш нияти ҳақида гапирган эдингиз. Кейинчалик Владивостокда Сиз совет қўшинларининг муайян қисми олиб чиқиб кетилишини эълон қилдингиз. Сиз ҳозирги пайтда Афғонистондаги аҳволга қандай баҳо берасиз?

**М. С. Горбачев.** Биз Афғонистон билан барча режимлар ва барча ҳукуматлар даврида ҳамиша яхши, дўстона муносабатларда бўлиб келдик. Булар ҳозир ҳам сақланиб турибди. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам бу муносабатлар негизида икки принципиал жиҳат бор: Афғонистон биз билан икки ярим минг километр умумий чегарага эга бўлган қўшни мамлакатдир. Табиийки, қўшнилар билан ҳамиша яхши яшаш керак. Иккинчидан, бу халқ ўзи танлаган йўлни амалга ошира бориб ўзгаришлар қилиш йўлига ўтди. Бунга у ҳақлидир.

Биз Афғонистонда бирон-бир базага эга бўлишга интилаётганимиз йўқ, биз бу мамлакатда хом ашё манбаларини қидираётганимиз йўқ. У ердаги воқеалар жўн ривожланаётгани йўқ. Сабаблари бизга ҳам, сизга ҳам маълум.

Ўз вақтида Афғонистонга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги чақириққа жавоб бериб, шу мамлакат ҳукуматининг илтимосига кўра биз у ерга вақтинча қўшинларни киритдик. Қўшинларимиз бу мамлакатда ҳамиша қолмайди, албатта. Бунга афғон халқи ва унинг ҳукумати ҳам рози бўлмаса керак.

Биз Афғонистон атрофидаги воқеаларни сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз. Афғонистон ҳукуматининг нияти ҳам ана шундай. БМТ ҳомийлигида қилинаётган иш — мен Кардовес миссиясини назарда тутяпман — реал жараёндир. Бу жараён муваффақиятли якунланиши ва воқеаларни сиёсий бартараф этишга олиб келиши мумкин, бунинг учун эса Покистон ҳам, Америка Қўшма Штатлари ҳам сиёсий бартараф этиш тарафдорлари бўлишлари керак, албатта. Ҳозирча эса бартараф этишда силжиш сезилиши биланоқ, Покистон ва Америка Қўшма Штатлари бу силжишни барбод қилиш чораларини кўраётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шунга қарамай, Афғонистон атрофидаги вазиятни сиёсий йўл билан бартараф этиш масаласи ҳал этиладиган кун узоқ эмас, деб ўйлайман. Бу эса айни вақтда Афғонистондан бизнинг қўшинларимизни олиб чиқиб кетиш масаласи ҳам ҳал бўлишини англатади.

Биз қўшилмаган, мустақил Афғонистон тарафдоримиз. Яна бир карра айтмоқчиман: Афғонистонга нисбатан бизнинг ҳеч қандай экспансиячилик ниятларимиз йўқ. Бу бутун дунёга мутлақо равшан бўлиши керак.

**Савол:** Ҳозир бутун дунёда сизлар Совет Иттифоқида амалга ошираётган ўзгартишларга зўр қизиқиш билан қаралмоқда. Сиз бир қанча нутқларингизда бу ўзгартишларни революцияга тенг, деб таърифладингиз. Бу ҳақда батафсилроқ гапириб бера олмайсизми?

Бу саволга, бу анча кенг саволга қўшимча тарзда мен яна шундай демоқчиман: кеча мен СССР Олий Советида якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлигини билиб олдим. Сизнинг ҳозирги иқтисодий сиёсатингиз Ленин ўтказган иқтисодий сиёсатдан қай тарзда фарқ қилади? Сиз Ленин ўтказган янги иқтисодий сиёсатдан қай даражада намуна оляпсиз?

**М. С. Горбачев.** Социализм туфайли мамлакатимиз ҳозирги даражага кўтарилди. У — айни социалистик ўзгартишлар давомида кўпгина масалаларни ҳал этган, ўз ҳаракатини муваффақиятли давом эттириш, экономикани ривожлантириш, социал масалаларни, миллатлараро масалаларни ҳал этиш, пухта мудофаага эга бўлиш ва ҳозирги халқаро муносабатлар қурилишига ҳисса қўшиш учун жуда катта имкониятларга эга бўлган замонавий мамлакатдир.

Ўз территориямиз бизга маъқул. Бизга у етарли, аммо ортиқчаси ҳам йўқ. Халқимиз жуда жипслашган. Унинг ватанпарварлик, ифтихор туйғуси ғоят ривожланган. Чунки, ҳозир мамлакатда қилинган ишларнинг ҳаммасини халқнинг ўзи қилган. Аммо шундай бўлса ҳам биз қаноатланмаяпмиз. Нега? Аввало шунинг учунки, биз кўпроқ иш қила оламиз. Мамлакатимизда қудратли иқтисодий потенциал барпо этилган. Қудратли, эҳтимолки, дунёдаги энг қудратли фанимиз бор. Мақтанчоқлик қилмоқчи эмасман. Аммо бу ёғи ҳатто менинг фикрим эмас, балки дунёда билдирилаётган фикрдир. Кадрлар потенциалимиз яхши. Меҳнаткаш ёшларимиз асосан ўрта ва олий маълумотлидир. Фан-техника тараққиёти манфаатларини кўзлаб, зарур даражада омилкорлик қилиш имконини берадиган социалистик планли экономиканинг имкониятларидан фойдаланиб, тўғри пропорцияларни, устун соҳаларни аниқлашда, жамиятнинг социал соҳасини ривожлантиришда янги катта қадам қўйиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бирмунча вақт муқаддам биз бироз хотиржамликка берилган эдик, деб ўйлайман. Беғамлик, сусткашлик элементлари пайдо бўлган эди. Бу ҳол ўз ғалабаларимизнинг, жамиятимиздаги ижобий хусусиятлар ва фазилатларнинг — меҳнат қилиш, соғликни сақлаш, илм олиш, социал таъминланиш ва шу каби ҳуқуқларнинг бамисоли давоми бўлди. Мана шундай вазиятда хотиржамлик элементлари пайдо бўлди.

Биз ўз съездимизда мана шуларнинг ҳаммасини таҳлил этдик.

Ва тўғри қилдик. Экономикамизнинг, сиёсий тартиб-қоидаларимизнинг, социалистик демократиянинг қандай амал қилаётганлигидан жамиятнинг ўзида қониқмаслик, коллективлардаги муҳитдан қаноатланмаслик кайфияти бор эди. Партия қайта қуришга киришганида унинг сиёсатини халқ бажонидил қўллаб-қувватлади. Чунки у одамларнинг кайфиятини ифодалаган эди. Бу — социализм доирасида, социалистик негизда жамият турмушининг ҳамма соҳаларини жадаллаштириш, қайта қуриш сиёсатидир. Хуллас, биз 70 йил мобайнида эришган ютуқларимиз асосида жамиятни камолот сари, сифат жиҳатдан яхшироқ ҳолати сари қайта қуришни бошладик.

Бизнинг асосий мақсадимиз — фан-техника тараққиёти орқали, планли экономика билан бирга қўшиб ва жамиятни демократлаштириш орқали уни ҳаракатга келтиришдан, жамиятни янги марраларга чиқаришни таъминлашдан иборат.

Биз фан-техника тараққиёти соҳасида жуда жиддий программаларни тузиб олиб, амалга оширяпмиз. Бу программалар ҳамма тармоқларни ўз ичига олади. Биз машинасозликни, ҳисоблаш техникасини устун даражада ривожлантиряпмиз, структура сиёсатини ўзгартиряпмиз. Бироқ биз бу жараёнга инсонни, меҳнаткашни қандай қилиб жалб этишимиз планларимизнинг ва сиёсатимизнинг тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Экономикада биз бунга хўжалик ҳисоби орқали, ишлаб чиқариш коллективларининг ўзини ўзи бошқариши орқали, раҳбар кадрларнинг сайлаб қўйилишини кенгайтириш орқали, янги хўжалик механизми орқали эришмоқчимиз. Корхона тўғрисидаги янги Қонун ниҳоясига етай деб қолди. Биз уни умумхалқ муҳокамасига қўямиз. Унда экономиканинг ҳозирги шароитларида қандай ишлаши кераклиги асослари белгилаб берилади. Ишлаб чиқариш ҳаётини демократлаштириш, меҳнат коллективларининг мустақиллигини ошириш ва уларнинг масъулиятини кучайтириш — бу соҳадаги бош йўналишдир.

Совет кишилари бундай ёндашувни табриклаб, кутиб олмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу жараён бошланиб кетди.

Сўнгра биз сиёсий система, жумладан халқ ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа органлар янада самарали ишлашини хоҳлаймиз.

Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, социал сиёсатни жиддий равишда ўзгартириш йўли билан ҳам биз инсон омилини ҳаракатга келтиришни ўйлаяпмиз. Айтишим мумкинки, ҳозир социал сиёсатни кучайтириш — жамиятдаги кўпгина масалаларни ҳал этиш калитидир.

Қайта қуриш осон бормаётганлигини айтишим керак. Фикрлашдаги тўсиқ — энг катта тўсиқдир. Йиллар давомида таркиб топган психологияни қайта қуриш керак. Бинобарин биз бу соҳада ҳам жараён устунлик қилишига умид боғлаш имконини берадиган иқтисодий, социал, сиёсий ва мафкуравий шарт-шароитларни яратяпмиз. Биз жамиятнинг ҳамма соҳалари қайта қурилишини таъминлаймиз.

Биз жамиятдаги маънавий соҳани, маданий соҳани, ахлоқий муҳитни соғломлаштириш масалаларига ҳам катта аҳамият беряпмиз. Халқимизда адолатга, социализм принципларига изчиллик билан риоя этилишига, курашиб қўлга киритилган қадриятларни мустаҳкамлашга интилиш жуда кучли. Шу сабабли биз ҳар қандай салбий ҳодисаларга қарши, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолларига, жиноятчилик ҳолларига, ахлоқсизлик феъл-атворига, интизомни, тартибни бузиш ҳолларига, ичкиликбозликка қарши муросасиз курашяпмиз. Бу ишда бутун жамият актив қатнашмоқда. Янгилик билан эскилик курашмоқда. Баъзан бу кураш ўткир тус олмоқда. Бу ишлар партиянинг раҳбарлигида ўтмоқда. Партиянинг ўзидаги иш такомиллаштирилмоқда. Партиянинг ўзи қайта қурилмоқда. Биз масалани шу тарзда қўйяпмиз: жамиятдаги бутун қайта қуриш партиядан бошланиши керак. Ҳозир биз коммунистларнинг олдига анча юқори талаблар қўйяпмиз. Баъзи бировлар аввалги аҳволдан мамнун эдилар, ўз мавқеларидан мамнун эдилар. Ҳозир биз ҳамманинг халқ олдидаги бурчини уларга эслатиб қўйдик. Бунинг жуда катта аҳамияти бор.

Қайта қуриш учун вақт керак, куч-ғайрат сарфлаш керак. Аммо, ишонч билан айта оламанки, биз тўғри йўлдан боряпмиз ва халқ бизни қўллаб-қувватлаяпти. Бу қўллаб-қувватлаш кучайиб бормоқда.

Биз социализмга хизмат қиладиган ҳамма ишларни табриклаб кутиб оламиз ва жамиятимиз замиридаги жамики имкониятлардан фойдаланиш учун шароит яратамиз. Биз план воситаларидан ҳам, моддий рағбатлантириш омилларидан ҳам, социал омиллардан ҳам, товар-пул муомалаларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган имкониятлардан ҳам янада самарали фойдаланаверамиз. Шу мақсадда биз якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида қонун қабул қилдик. Буларнинг ҳаммаси — социализм доирасидаги ишлардир.

Шу йўлдан бораверамиз. Бизда ҳеч қандай иккиланиш йўқ. Бу нарса мамлакатимиз учун ҳам, унинг дунёдаги ролини эътиборга олганда эса, бутун дунё учун ҳам жуда катта натижаларга эга бўлади, деб ўйлайман.

Табиийки, биз шундай режаларни ўртага қўйиб, амалга оширар эканмиз, тинчликдан ҳам, бошқа мамлакатлар билан — ҳам социалистик, ҳам ривожланаётган, ҳам капиталистик мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдормиз. Мана шу ишларнинг ҳаммасини қилишга тайёрмиз.

**Савол:** Мен Яқин Шарқдек муҳим регионга тааллуқли савол бермоқчиман. Сизларда шу регионга оид бирон-бир янги тинчлик ташаббуслари борми?

**М. С. Горбачев.** Яқин Шарқ ҳақида бутун дунё қайғуряпти, деб ўйлайман. Такрор айтаманки, ҳамма қайғуряпти. Менинг назаримда, баъзи давлатлар муаммони ўз усулида ҳал этмоқчи бўлганликлари сабабли бу ерда силжишга эришилмади. Турли-туман четлаб ўтиш найранглари, сепарат битимлар сиёсати ҳеч бир яхшиликка олиб келмаганини энди кўриб турибмиз.

Халқаро ҳамжамиятда бу жуда муҳим ва қалтис регион муаммоларини ҳал этишни халқаро даражага олиб чиқиш лозим, деган тушунча етилиб боряпти, деб ўйлайман. Бизнинг Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақириш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши орқали, Тайёргарлик комитети орқали тайёргарлик ишини бошлаш зарур, деган таклифимиз амалий таклиф эканини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Икки томонлама алоқалар, кўп томонлама фикрлашувлар асосида ана шундай тайёргарлик босқичи барча давлатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган жиддий таклифлар билан ёндашиш имконини берган бўлур эди.

Бу йўлнинг реаллиги ва самарадорлиги анча кенг миқёсда тушуниб олинди, деб ўйлайман.

Сизлар билан учрашганимдан ва Сизларнинг саволларингизга жавоб қайтариш орқали ўз фикрларимни ҳинд жамоатчилиги билан баҳам кўриш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман. Бу айтиш мумкинки, Ҳиндистонга қилинадиган визит арафасидаги фойдали тадбир бўлди, деб ўйлайман. Деҳлида учрашгунча хайр.

Раҳмат.

# Самарали ва сифатли ишлайлик

22 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети коллегиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Агросаноат комплексини янада ривожлантириш, унинг барча тармоқлари молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Мажлисда қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар, партия ва совет органларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков олиб борди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Антонов доклад қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, СССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари Г. А. Романенко нутқ сўзладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 ноябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ФАРҒОНА | 0,01 | 105,08 | 0,01 | 63,33 |
| ТОШКЕНТ | 0,01 | 104,40 | — | 99,66 |
| СУРХОНДАРЁ | 0,04 | 101,17 | 0,01 | 90,44 |
| НАМАНГАН | 0,04 | 100,24 | — | 82,44 |
| Сирдарё | 0,09 | 97,03 | — | 98,80 |
| ҚҚАССР | 0,12 | 92,37 | 0,01 | 60,36 |
| Андижон | 0,06 | 87,44 | — | 52,51 |
| Хоразм | 0,07 | 85,63 | 0,11 | 51,94 |
| Жиззах | 0,04 | 80,27 | 0,01 | 66,16 |
| Самарқанд | 0,05 | 75,46 | — | 36,28 |
| Бухоро | 0,01 | 74,64 | 0,02 | 16,12 |
| Навоий | 0,04 | 61,03 | 0,04 | 23,29 |
| Қашқадарё | 0,04 | 59,31 | 0,04 | 39,44 |
| Республика бўйича: | 0,04 | 87,19 | 0,02 | 62,31 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| СУРХОНДАРЁ | 0,06 | 160,88 | 0,01 | 166,72 |
| НАВОИЙ | 0,11 | 109,84 | 0,22 | 36,00 |
| НАМАНГАН | — | 109,00 | — | 1,90 |
| Бухоро | 0,11 | 82,20 | — | — |
| Қашқадарё | 0,06 | 64,02 | 0,09 | 62,69 |
| Республика бўйича: | 0,06 | 125,45 | 0,04 | 123,46 |

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

# ОРА ЙЎЛДА

**Навоий область агросаноат комплекси ҳозирги кунда 8 РАПО, 95 колхоз ва совхоз, икки қурилиш коллективи, область қишлоқ хўжалиги химияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотлари, ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, сут заводи, лойиҳалаштириш идораларини бирлаштириб турибди. Шунингдек, сув, ўрмон хўжаликлари область ишлаб чиқариш бирлашмалари, паррандачилик фабрикаси ва бошқа яна бир қатор ташкилотлар ҳам бу системага киради.**

**Область агросаноат комплекси янги форма ва структура билан иш бошлагандан буён бир йилча вақт ўтди. Бу давр ҳар қандай иш муваффақиятини — кадрларнинг ишчанлиги ва уларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларини бажаришга астойдил киришишлари таъминланишини яна бир бор исботлаб берди. Афсуски, бугунги кунда область агросаноат комитети раҳбарлари ва мутахассисларида ана шундай хусусиятлар етишмаяпти.**

Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхози 1983 йилга келиб чўкиб қолди. Хўжаликнинг қарийб барча соҳалари зарар кетидан зарар келтирди. Колхозда ер, сув яхши, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фармон Болтаев каби тажрибали пахтакорлар кўп. Аммо борган сари иш орқага кетаверди.

Буни Куйбишев номли колхозда кўп йиллардан буён раислик қилаётган Абдухолиқ Ҳалимов кузатиб келарди. Аниқроғи, бир пайтлар ўзи раҳбарлик қилган бу хўжаликнинг шундай қийин аҳволга тушиб қолганига қайғуриб юрарди. Колхозда ерга ва одамларга меҳр, пахтакорлар билан бамаслаҳат иш тутиш сусайиб кетганди. Шу боис, у район партия комитетига мурожаат қилиб, ўзини «Партия XXII съезди» колхозига ўтказишларини сўради.

У бу хўжаликка икки йил раҳбарлик қилди. Дастлабки йилдаёқ, қолоқ колхоз областнинг энг илғор хўжаликлари қаторига чиқиб олди. Кейин Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби ҳам бўлди. Олтмишни қоралаб қолган Абдухолиқ ака бу ерда пенсия ёшигача бемалол ишлайвериши мумкин эди. Бироқ ўзи туғилиб, воясига етган Чкалов номли колхознинг оғир аҳволга тушиб қолганлиги унинг тинчини бузди. Юқори ташкилотлардан энди ўзини шу хўжаликка ўтказишларини сўради.

Чкалов номли колхоз пахтакорлари учун бу йил енгил келмади. Сув тақчиллиги, шамол устига шамол анча ташвиш туғдирди. Лекин улар қийинчиликларни омилкорлик билан енгиб, мўл ҳосил етиштиришга интилдилар. Интилишлар зое кетмади. Чкаловликлар йилни ёруғ юз билан якунламоқдалар.

Афсуски, Навоий области агросаноат комплексида замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган, ташаббускор ва омилкор бундай кадрлар бармоқ билан санарли. Қуйи ва ўрта звенода ишлаётган кўплаб раҳбарлар, мутахассислар ҳамон эскича услубдан воз кечганлари, ўз ишларини давр талаби руҳида қайта қуришга шошилаётганликлари йўқ. Жонли иш ўрнига маъмуриятчилик, қоғозбозлик ва мажлисбозлик билан машғул бўлиб қолмоқдалар. Бундай иш услуби қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Область пахтачилик хўжаликларида ўн биринчи беш йилликнинг кейинги икки йилида ўнинчи беш йилликдаги ўртача 178 минг тонналик кўрсаткичга нисбатан ҳосил 1,9 процент камайтириб юборилди. Сут, гўшт, мева ва бошқа бир қатор маҳсулотлар бўйича топшириқлар ҳам узлуксиз бажарилмай қолди.

**Ачинарли томони шундаки, ўтган йилларда йўл қўйилган хатолар яна такрорланяпти. Шу йилнинг уч квартали мобайнида сут, тухум, жун тайёрлаш топшириқлари ҳам уддаланмади.** Қизилқумнинг шимолий қисмида жойлашган хўжаликларда ўн минглаб қўй-эчкиларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди...

Хуллас, область қишлоқ хўжалигида ғоят ташвишланарли вазият ҳукм сурмоқда. Аммо, область агросаноат комитетида бўлганингизда, кадрларнинг хотиржам кайфиятини, масъулиятсизлигини кўриб ҳайрон қоласиз. Қарийб ҳамма соҳалардаги планларнинг барбод берилаётганлиги, кўплаб молларнинг нобуд бўлаётганлиги гўё уларга тааллуқли эмасдек. Ўзи аслида ҳам шундай. Планлар бажариладими, йўқми, иш олға кетадими, кетмайдими, улар учун барибир. Негаки, бу ишлар уларнинг на хизмат мавқеларига, на ойлик маошларига таъсир қилади.

— Қурғоқчилик келди...

— Сув тақчил бўлди...

— Меваларни қайта ишлайдиган корхона йўқ...

Тўғриси, юзаки қараганда бу фикрларга эътироз билдириш ҳам қийин. Бу йил Қизилқумда қурғоқчилик бўлиб, ўт-ўланлар ўсмай қолди. Сув тақчиллиги ёз бўйи давом этди. Областда маҳсулотларни қайта ишловчи корхонани қуриш ҳануз орзу бўлиб қоляпти.

Бу — масаланинг бир томони, холос.

Иккинчи томони — мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солиш билан белгиланади. **Афсуски, мана шу жиҳатни агросаноат комитетидаги раҳбар ўртоқлар унутиб қўйишмоқда. Бўлмаса, улар қизилқумлик чорвадорларга амалий мадад беришга қачонки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашгандан сўнг киришишармиди?!**

Шуниси ажабланарлики, бунга қадар Учқудуқ ва Томди районларида на область агросаноат комитетининг собиқ раиси Б. Нуруллаев, на унинг ўринбосарлари — Ф. Аҳмедов, М. Жамолов, О. Муродов, И. Бурхонов, М. Муродовлар бирон марта ҳам командировкада бўлишмади. Йўқса сув тақчиллиги даврида омилкорлик кўрсатиш туфайли муаммони бирмунча енгиллаштириш мумкин эди. Афсуски, сувдан фойдаланиш коэффициенти вегетация даврида 0,75—0,80 дан ошмади. Мева ва узумни тайёрлашда областда йўл қўйилган ўринсиз ҳангомалар эса матбуотда бир неча бор танқид қилинди ҳамки, фойда бермади.

Областнинг ҳамма районларида «Жадаллаштириш — 90» программаси ишлаб чиқилган. Табиийки, бу программанинг асосини илғор технология ва тўла механизацияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ташкил қилади. **Лекин айни пайтдаги реал аҳвол бу муҳим тадбирнинг қоғозда қолиб кетаётганлигини, амалда айтарли иш қилинмаётганлигини кўрсатмоқда. Чунки, агросаноат комитети раҳбарлари ва мутахассисларининг ўзида янгиликни ҳис этиш, фан-техника янгиликларини ўзлаштиришга қизиқувчанлик туйғулари етишмаяпти.**

Масалан, уруғни кенг қатор оралаб экишни жорий этиш плани тўрт йилдирки, 24—29 минг гектар миқдорида қилиб белгиланишдан нарига ўтилмаяпти. Майдонларга биологик усулда ишлов бериш, чигитни пуштага экиш каби муҳим тадбирлар ҳам (ё жуда кам, ё умуман) планлаштирилмай келиняпти. Ҳолбуки, «Нарпай» совхози пахтакорларининг фикрича, сув тақчиллиги шароитида уларнинг уруғни пуштага экканликлари жуда қўл келган.

Совхозда бу борада олти йиллик бой тажриба бор. Уруғни пуштага экишнинг ўзи ҳосилдорликни 4—5 центнерга ўстириш имконини берди. Бироқ тажриба умумлаштирилиб, бошқа хўжаликларга ёйиш учун ҳеч бир иш қилинмади.

Пахтани териш-йиғиштириш ишлари область экономикасига катта зарар етказяпти. Чунки, хўжаликлар асосан машиналар қудратига эмас, қўл кучига таяниб иш юритишмоқда. Шу туфайли ўтган йили бир гектар пахта майдонига ўртача 883 киши-соат сарфланди. Бу маҳсулот таннархини ошириб, рентабелликни камайтиришга олиб келди. Хўжаликлар пахтадан олинадиган фойданинг атиги 31 процентигагина эгалик қилишди. Бошқача айтганда, улар белгиланганидан 41 миллион сўм кам фойда олдилар.

Бу барчага аччиқ сабоқ бўлиши лозим эди. Афсуски, область агросаноат комитетининг ҳозирги фаолияти бундан ҳануз тўғри хулоса чиқариб олинмаганини кўрсатмоқда. Бу йил яна қўл кучига зўр берилди. Дефолиация кечикди. Машиналарнинг аксарият қисми қантариб қўйилди. Устига-устак техникадан фойдаланиш даражаси шунчалик паст бўлишига, паркларда 60 миллион сўмликдан ортиқ турли хилдаги техника воситалари занг босиб ётишига қарамай, хўжаликлар машина-механизмларни сотиб олишни давом эттиришди. **Савол туғилади: агросаноат комитетидаги 22 инженер, колхоз ва совхозлардаги юзлаб техника мутахассислари нима билан шуғулланишяпти? Камчиликлар барҳам топиш ўрнига уларнинг тобора чуқур илдиз отиб бораётганлигига сабаб нима?**

Бунинг бош сабабларидан бири — кадрларнинг салоҳиятсизлиги ва уларни танлаш, жой-жойига қўйишда йўл қўйилаётган хатолардир. Бунга область агросаноат комитети аппаратидаги фактларнинг ўзиёқ яққол мисол. Ҳозир бу ерда кадрлар бўлими инспектори вазифасида медицина ҳамшираси, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этиш, юридик ҳамда колхозлар иши бўйича бўлимларнинг катта мутахассислари лавозимларида — рус тили ўқитувчилари, қурилиш ва ўрмон материаллари таъминоти бўлимига қарашли бўлинма бошлиғи курсисида тоғ инженери, ёнилғи, резина-техника буюмлари ва химиявий воситалар бўлими бошлиғи вазифасида эса тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси мутахассислигидаги кишилар ишламоқда.

Яна бир характерли мисол. А. Жўраев Нурота районидаги «Дружба» совхозига икки йил раҳбарлик қилди. Бу даврда пахтачилик ва бошқа соҳалардаги планлар узлуксиз барбод берилди. Совхоз давлатдан миллион сўм атрофида қарзга ботди. Ерлар ҳолати бузилди. Юз минглаб сўмлик техника қаровсиз қолди. Бундай «фаолият» учун А. Жўраев совхознинг олдинги раҳбарлари билан бирга жавоб бериши лозим эди. Аммо, у ҳозир область агросаноат комитетида меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Қоғозбозлик ҳамиша жонли ишга тўсиқ бўлиб келган. Область агросаноат комитети тузилгач, РАПОлар бу масаладаги ишлар кескин яхшиланади, қоғозбозлик камаяди, деб ўйлашган эди. **Афсуски, аксинча бўлиб чиқди. Эндиликда район звеносидаги мутахассис ва раҳбарларнинг боши аввалгидан ҳам кўра кўпроқ қоғоздан чиқмай қолди. Масалан, Навоий РАПОси шу пайтгача область агросаноат комитетидан 500 дан ортиқ корреспонденция олган.**

— Булар телеграммалардан ташқариси, — дейди РАПОнинг умумий бўлим мудири А. Пирматов. — Аслини олганда юқоридан келган қоғозлар мингга етиб қолди. Уларни кўриб чиқиш, ишлаш ва қуйи звенога етказишнинг ўзиёқ кўп вақтимизни ушлаяпти. Ҳолбуки, ўтган йили ҳамма ташкилотлардан жами 543 та хат, фармойиш ва қарорлар олгандик.

Афсуслар бўлсинки, бундай ҳол ҳозир областнинг барча РАПОларига ҳам тегишлидир. Шунингдек, улар кунлик маълумотларни йиғишга ҳам анча куч, вақт сарфлашмоқда. Бунинг учун ҳар бир районда икки ёки уч киши кун бўйи овора.

Область агросаноат комитети ҳозир ора йўлда турибди. Эски услубдан воз кечиш зарурлигини сезганлари ҳолда янгичасига ишлашни билишмаётир.

**А. ҚОРЖОВОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ—БАЙРОҒИМИЗ

# Камолот мактаби

## Рус тили—менинг тақдиримда

Тил фақат восита-ю робитагина эмас, балки бир халқнинг иккинчи халққа, бир маданиятнинг иккинчи маданиятга баракали таъсирини таъминловчи ғоят ўткир маънавий қурол ҳамдир. Жаҳондаги бирор бир тил ўз соҳибига хизмати нуқтаи назаридан камситилмаса-да, баъзи тиллар тарихий вазифасига кўра кенг доирага чиқиб кетадилар. Бизнинг давримизда улуғ рус тили ана шундай юксак даражани эгаллаб турибди. Рус тилининг жаҳоншумул обрўсини таъминлаган муҳим омиллардан бири бу тилнинг ички бойликларию, «либоси»нинг гўзаллигидир.

Россиянинг буюк адабиёти, Ленин даҳоси билан шуълаланган инқилобнинг оламшумул таъсир доираси, юксак фан, техника, маданий тараққиётнинг қудратли кўлами рус тилига қайрилмас қанот берди. Ўтган асрдаёқ узоқни кўра биладиган донишманд юртдошларимиз рус тилини ўрганишнинг халқимиз учун муқаррар аҳамиятини чуқур англаб етгандилар. Фурқат, Аваз Ўтар сингари демократ адиблар нисбатан маҳдуд муҳитда яшаб туриб, рус тилини, Россия маданиятини тарғиб этганлигини катта қониқиш билан эслаймиз.

Бугунги кунда рус тили ҳар биримизга қадрдон; азиздир. Зеро, унга кундалик турмушимизда бетўхтов мурожаат этиб турамиз. Аён гап, рус тили биз учун фақат кундалик юмушлардагина асқотмайди. Рус тили биз учун шундай ўзанки, у орқали биз етти иқлим маърифат дарёларидан баҳраманд бўламиз. Шу маънода рус тили улкан маънавий барака манбаи бўлиб ҳисобланади.

Чет эллик ғоявий муҳолифларимиз Ўрта Осиё халқлари руслаштирилмоқда деган гапни тез-тез такрорлайдилар. Айтиш керакки, гап тил масаласига келиб тақалганда миллий маҳдудликни намойиш қилиш жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Оддийгина ибрат келтириб ўтайин: дунёдаги кўпгина халқлар инглиз тилини ўрганиб нимани ютқазибдилар? Эркинлик ва дўстлик асосига қурилган бизнинг жамиятимизда тилларнинг ўзаро муносабати ва уларга бўлган муносабат тузумимизнинг демократик табиатидан келиб чиқади.

Тил билиш ҳамиша фазилат ҳисобланган. Улуғ боболаримизнинг кўплари она тилидан ташқари бошқа тилларда ҳам ажойиб асарлар ёзишган. Биз уларга ифтихор ва ҳавас билан қараймиз. Тил ўрганишнинг ибтидоси албатта болаликдан, мактаб партасидан бошланади. Республикамизда бу соҳада муайян ютуқлар мавжуд. Лекин кўпгина жойларда, айниқса қишлоқ мактабларида рус тилини ўқитиш ишларини пухтароқ, жиддийроқ йўлга қўйиш пайти келди. Мактаб болаларида вақтнинг-ку ўзи чекланган. Бунинг устига тил ўқитишдаги юзакичиликлар ўқувчини ҳам, жамиятни ҳам алдашга олиб келадики, тил ўқитиш соҳасида беҳуда сарф бўлган қанчадан қанча дарс соатлари кейинчалик қаршимизда маломат ва пушаймон шаклида пайдо бўлаверади. Бунга эса асло йўл қўймаслигимиз керак.

Бинобарин, рус тили ўзининг бутун бойлигию, жозибаси билан, замонамизда тутган юксак мақоми билан барчамиз учун камолот мактабидир.

**Комил бўл, ҳар жиҳат, томонинг билан,**
**Тариқат, маърифат, забонинг билан,**
**Тил билган эл билур, жаҳон сеники,**
**Тил билу бирлашгин замонинг билан.**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг лауреати.**



*

**Андижон шаҳридаги В. И. Ленин номли 36-мактабда ҳинд тили ўқитила бошлаганига ўн йил бўлди. Мактабда интернационал дўстлик клуби ташкил қилинган. Бу ерда ҳинд тилида мунтазам деворий газета чиқариб турилади. Ўқувчилар ҳиндистонлик тенгдошлари билан хат орқали алоқа боғлашган.**
**СУРАТДА: ҳинд тили ўқитувчиси Қодир Валиев машғулот ўтказмоқда. 6-синф ўқувчиси Ҳусниддин Нишонбоев саволга жавоб бермоқда.**

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

*

## ИНДИРА ПРАСАДНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Икки яшар Индира Прасад туғилган кунида ота-онасига антиқа совға қилди. Қизалоқнинг отаси Шиву Кумар ва онаси Умрила Тошкент медицина институтида таҳсил кўраётган ҳинд студентларидир. Шу куни Индира ҳинд рақсига тушди, ўзбекчалаб саноқ шеър, рус тилида ашула айтди.

Индирани қутлашга келган меҳмонлар қизалоқнинг қобилиятига қойил қолишди, лекин унинг ота-оналари Индирани антиқа гўдак деб ўйлашмайди. Ётоқхонада ёш ҳинд оиласи билан биргаликда 40 мамлакатдан келган студентлар аҳил интернационал оила бўлиб яшайдилар.

Дўмбоқ Индирани ҳамма яхши кўради. У инглизча, французча, португалча кўп сўзларни билиб олган. Непал ва Нигерия, Греция ва Болгария болаларининг ўйинларини ўрганиб олган. Қизалоққа Африка, Осиё, Лотин Америкасидан келган студент дўстлари берган болалар китобчалари ёрдамида географияни ўргатса бўлади. Бундан икки йил муқаддам 19 ноябрь куни туғилган қизчага Индира Ганди шарафига Индира деб исм қўйишган эди. Бу ширин, зеҳнли қизчани ҳамма ардоқлайди.

— Яна бир йилдан кейин биз врач дипломини олиб Ҳиндистонга қайтиб кетамиз, — дейди Умрила Прасад. — Биз Тошкентда ўқиган йилларимизда чинакам дўстликнинг қадрига етдик. Ўзбекистон пойтахти хотирамизда ҳамиша муҳрланиб қолади. Тошкентликларнинг меҳр-оқибатини умрбод унутмаймиз: оилаликлар яшайдиган ётоқхонадан бизга кенг хона ажратиб беришди, Индира ёшига етиши билан болалар боғчасига қабул қилишди.

— Биз Бокарога йўлланма олдик, — деб сўзини давом эттирди Умрила. — Металлургия комбинатининг медицина-санитария қисмида ишлаймиз. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган бу корхона халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ришталарининг тимсолидир. Бу дўстлик бутун умримизга нур сочиб туради.

**И. ГРЕБЕНЮК,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## ДЎСТЛИК ТИЛИ

Пушкин асарларининг қаҳрамонлари Пайариқ районидаги 30-мактаб-интернат ўқувчилари ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Бу ерда «Рус тили —дўстлик тили» ҳафталиги программасида театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг миллий мактабларида ана шундай ҳафталик давом этмоқда. Республиканинг кўпгина мактабларида очиқ дарслар, адабий кечалар, мактаб иншолари конкурслари ўтказилади, муаллимлар ўзаро тажриба алмашадилар.

М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетини яқиндагина тамомлаган пайариқлик ёш рус тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳам ўз ишлари тўғрисида гапириб берадилар. Улар бу мактаб-интернатда рус тилини ўқитишнинг замонавий методикасидан, илғор педагогик тажрибадан фойдаланишяпти, ўқувчиларнинг фақат дарс пайтларида эмас, балки синфдан ташқари вақтда ҳам рус тилида гапиришга ўрганишларига ҳаракат қилишмоқда.

Пайариқлик педагогларнинг тажрибаси Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан маъқулланиб, ўқув юртларида кенг ёйишга тавсия қилинди.

(ЎзТАГ).

• *Шаҳар мавзуида*

## ҚУРИЛИШНИНГ ПОЁНИ БОРМИ?

● **Бухороликлар троллейбус келишини ўн йилдан буён кутишмоқда.**

● **Троллейбус депоси қурилиши— «туя гўшти еган» объект.**

Буюртмачи —область уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси нўноқ бўлиб чиқди. 1979—1983 йиллар мобайнида қурилишда ҳаммаси бўлиб 629 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, холос. Бу объект лойиҳа-смета қийматининг атиги тўртдан бир қисмини ташкил этарди. Иш шундай суръат билан давом этса, қурилиши икки йилга мўлжалланган объект йигирма йилга чўзиларди.

Шундан кейин 1984 йилнинг майида троллейбус депоси қурилишига буюртмачи этиб область ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси тайинланди.

Янги буюртмачи қурувчилар билан ҳамкорликда ишда ўзгариш ясай олди. Ўшандан буён ўтган давр ичида 1 миллион 147 минг сўмлик иш бажарилди, эскириб қолган лойиҳага ўзгартишлар киритилди. Эндиликда бош пудратчи —163-қурилиш трестининг 389-механизациялашган кўчма колоннаси объектдаги қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказмоқда. Айни маҳалда троллейбус депосидаги кўпчилик цехлар, маъмурий-маиший биноларда пардозлаш, территорияни ободонлаштириш ишлари поёнига етяпти.

Энди ҳамма нарса троллейбус контакт линиясини ишга тушириш муаммоларига бориб тақалмоқда. Шу йил охиригача фойдаланишга топширилиши лозим бўлган маршрутнинг умумий узунлиги 14 километрдир. «Ўзэлектромонтаж» трестининг 4-механизациялашган кўчма колоннаси шу линия монтажига мутасадди пудратчи.

Маршрут бўйлаб темир устунлар ва уларнинг мосламаларини ўрнатиш ишлари тугалланди. Вячеслав Қурбонов, Акмал Ширинов бошлиқ бригадалар объект бўйича монтаж ва пардозлаш ишларини графикдан ўзган ҳолда олиб боришди.

Электр пайвандчилар ўн ойлик қурилиш-монтаж ишлари программасини 107 процент ёки планга қўшимча 110 минг сўмлик иш бажаришди. Бироқ буларга асосланиб, ҳадемай кўчаларда троллейбус юрар экан, деган хулоса чиқариш хато бўлур эди.

Колонна бошлиғи Р. Б. Ҳотамов «троллейбус қачон юради?» деган саволимизга жавобан контакт линияси жуфт симларининг монтажига киришиш учун етишмайдиган эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналарнинг рўйхатини кўрсатди. Унда ўттиз хилга яқин деталь ва асбобнинг номи ёзилган. **Рўйхатда «Ташсельмаш», «Средазэлектроаппарат» заводлари юбориши зарур бўлган ускуналар ҳам бор.**

Фойдаланишга топширилишига оз муддат қолган объект учун зарур ускуналар нега ҳалигача етказиб берилмаяпти деган савол туғилиши табиий. **Гап шундаки, олдинги буюртмачи ускуналар учун заявка беришни «унутган». Ижрокомнинг капитал қурилиш бошқармаси эса бу ишни кечикиб бажарди.** Ҳолбуки одатда ускуналар учун икки йил олдин заявка бериш керак.

Ажабланарли томони шундаки, икки йилдан бери ишга тушириладиган объектлар қаторига қўшиб келинаётган бу объектга ускуналарни етказиб бериш йилнинг тўртинчи кварталига планлаштирилган. Квартал эса тугаяпти.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, троллейбус депосини ишга тушириш бу йил ҳам муаммолигича қолмоқда.

Қисқаси, йўловчи троллейбус кутмоқда, троллейбус эса —йўл. Йўл эса, ўз навбатида ускунага муҳтож. Буни ҳал этишда аниқ, фидойи ҳаракат керак.

**Н. НАИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

**Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига қарашли 22-дорихона яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Республикамиз пойтахтининг Куйбишев кўчасидаги бу бинода ходимларнинг унумли меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратилган.**

**Суратда: фармацевт З. Ғаффорова ва провизор Н. Сулаймоновалар дори-дармонлар сифатини кўздан кечиришмоқда.**

В. Молгачев фотоси.

## КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

### Шоир юбилейига тараддуд

● **Қўқон шаҳрининг 19-маҳалла комитетида инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан адабий-бадиий кеча ўтказилди.**

Шаҳар маданият бўлимига қарашли 2-клуб бадиий ҳаваскорлари, «Аскиячилар клуби» аъзолари ижросида Ҳамза ижодидан намуналар ижро этилди, қувноқ интермедия ва ичакузди пайровлар бўлди.

З. РАҲИМОВА.

### Қишлоққа шаҳар кўрки

● **Уйчи район маркази кейинги икки йил ичида ободонлашиб, шаҳар қиёфасини олди.**

Бу ерда кўплаб уй-жойлар, янги универмаг ва «Баҳор» савдо дўкони, Наманган пойабзал фабрикасининг 400 ишчига мўлжалланган филиали, район қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш корхонаси, ишчиларнинг болалари учун 140 ўринли боғча, икки қаватли стоматология поликлиникаси ишга туширилди.

Х. СОЛИЕВ.

### Эл соғлиғини ўйлаб

● **Гулистонда область стоматология поликлиникасининг тўрт қаватли кўркам биноси фойдаланиш учун топширилди.**

Уни 7-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колоннанинг Н. Эюпов бошлиқ участкаси коллективи бунёд этди.

Кўчма колонна қурувчилари бундан олдин Гулистонда область шифохонасининг 240 ўринли янги корпусини, 170 ўринли болалар шифохонаси биносини ҳам қуриб топширган эдилар.

И. НОРМАТОВ.

* * *

Шунингдек редакциямизга самарқандлик **Б. Шамсиев, А. Эрдонов,** андижонлик **Ж. Турдиев, М. Абдуқодиров, А. Мўминов, М. Абдуллаев, З. Назарова, Р. Абдураҳмонов,** наманганлик **И. Бойчаев, А. Насриддинов,** навоийлик **Р. Неъматов,** пахтачилик **И. Норқувватов,** тўрткўллик **Ш. Ҳусанбоев,** қувалик **С. Рустамов,** сирдарёлик **А. Бурлиев,** қашқадарёлик **А. Раҳимов, А. Муқимов,** сурхондарёлик **Ў. Бекмуродов,** чимбойлик **Ж. Шакенов** ва бошқалар ҳам қизиқарли хат-хабарлар йўллашган.

## ОБ✻ҲАВО

ШУ ҲАФТАДА

**Ўтган ҳафта Ўрта Осиёда сақланиб турган антициклон аста-секин сусайиб, шарқ томонга силжий бошлайди, деб хабар қилишди Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказидан. Ҳаво босимининг пасайиши билан республика шимолида ҳарорат 3—8 даража совуқдан 4 даража совуқ ва 1 даража иссиққа, кундузи эса 0—5 даража иссиқдан 4—9 даражага кўтарилиши мумкин. Қолган территорияларда кечаси 0—5 даража совуқ билан 1—6 даража иссиқ атрофида, кундузи 4—9 даражадан 10—15 даражагача, жанубда эса 13—18 даража иссиқ бўлади.**

**Ҳафта давомида ёғингарчилик бўлмайди, енгил шамол эсиб туради. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ўртача ҳарорат нормадагидан 1—3 даража пастроқ бўлиши кутилади.**

(ЎзТАГ).

## КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида босмадан чиқарди:**

**Фотеҳ Ниёзий.** Ўрмон эгасиз бўлмас... Роман. 496 бет. Баҳоси 1 сўм 90 тийин.

Китобда ёр ишқи, Ватан меҳри, ўз озодлиги, бахти, эрки учун кураш иштиёқи туфайли бирлашган тожик, ўзбек, украин, белорус, рус ва бошқа миллат вакилларининг Улуғ Ватан уруши дастлабки кунларида ҳарбий қисмларидан ажралиб қолгач, бепоён белорус ўрмонларида ёвуз душманга қарши жонбозлик билан курашганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

**Умарали Норматов.** Қалб инқилоби. Мақолалар. 352 бет. Баҳоси 1 сўм.

Китоб социалистик реализм назарияси ва тажрибасининг ҳозирги кундаги актуал проблемаларига бағишланган.

**Шавкат Раҳмон.** Уйғоқ тоғлар. Лирика. 192 бет. Баҳоси 80 тийин.

Тўпламга шоирнинг Вақт ва Давр, Ватан ва Она, муҳаббат мавзуидаги лирик-фалсафий шеърлари, ўтган нашрлардан танлаб олинган ва янги шеърларидан намуналар киритилган.

**Эргаш Раимов.** Кўз илғамас шуълалар. Қиссалар. 368 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Китобга уч қисса жамланган. Қиссаларнинг қаҳрамонлари оддий меҳнат кишилари.

**Ориф Усмонов.** Курашларда тобланган шеърият. 146 бет. Баҳоси 15 тийин.

Китобда афғон адабиётининг улкан намояндаси Хушҳолхон Хатакнинг ижодий мероси, Савр инқилобининг адабиётдаги ифодаси, унинг адабий-тарихий илдизлари ҳақида сўз юритилади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

## Тингланг, томоша қилинг

24 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

### ТВ

**МТ-I.** 9.00 — «Время». 9.50—Футбол шарҳи. 10.20— «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 3-фильм. 1 ва 2-серия-лар. 13.10 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 —«Сен қонунни биласанми?». 16.00 —«Москва кузи» фестивалининг очилиши. 17.50 —«Спорт ва шахс». 18.20 —Жаҳон халқларининг ижоди. 19.05 —Мультфильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 —Жадаллаштириш. 20.00 —Ҳужжатли фильм. 20.10 —«Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 3-фильм 2-серия. 21.30 —«Время». 22.05 — Катта ёшдагилар учун контрол иш. 23.20—«Дунё воқеалари». 23.35 —Футбол шарҳи.

**МТ-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15—Ҳужжатли фильм. 9.35— Табиатшунослик. 9.55 —Илмий-оммабоп фильм. 10.05—Рус тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Н. А. Некрасов лирикаси. 11.35 — Ботаника. 11.55 —«Фан ва турмуш». 12.25 — Илмий-оммабоп фильмлар. 12.55 —«Тақдирлар ва роллар». 14.05 —Ўқитувчига —музика сабоғи. 15.05—Илмий-оммабоп фильм. 15.20—«Замондош бўлиш бахтига муяссар бўлганман». 16.05 ва 18.30— Янгиликлар. 18.45 —«Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 —«Халқаро панорама». 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 —«Здоровье». 21.30 —«Время». 22.05 —«Адабий альманах».

**ЎзТВ-I.** 7.25 —Ритмик гимнастика. 7.50 —«Салом, кичкинтойлар!». 8.00—«Ватанимни шарафлайман». 8.10 —Телефильм. 8.20 —«Тонгги тароналар». 8.30 —«Ахборот». 8.50 —Ҳужжатли фильм. 17.05 —Телефильм. 17.30—Саноатни планлаштиришнинг назарий ва амалий масалалари. 18.00 —Янгиликлар. 18.15 —«Қизиқарли учрашувлар». 18.45 —Болалар учун фильм. 19.00—«Ёшлик». 19.30 —«Ахборот». 19.50—«Илтимос». Теленовелла. 20.30 —«Ахборот». 20.50 —Концерт. 21.20—Ҳужжатли фильм. 21.30—«Время». 22.05 — «Ягона йўл». Бадиий фильм. 23.40 —«Бугун оламда нима гап?»

**ЎзТВ-II.** 19.30 —«Амалий давра суҳбати». 20.30 —Телефильм. 20.55— «Жадаллаштириш йўлидан». 21.30 —«Время». 22.05— Фрунзе. «Из қолдириб...» Бадиий фильм.

### Р

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — «Яхши кайфият». 9.15 — «Фрунзевец» газетасининг обзори. 9.20 — Рубоб тароналари. 9.30 — «Инсон, дин, замонавийлик». 10.15 — «Ёзувчилар микрофон олдида». 12.10 — «Узбекистан индустриальный». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — «Хорнинг янграши, худди жонли чашмадек». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Рус тили — дўст тили». 16.00 «Дўстларимиз овози». 18.15 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари». 18.30 — Болалар учун концерт. 18.40 — «Аланга». 19.25 — Концерт. 19.40 — «Инсон ва қонун». 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — «Элга хизмат — олий ҳиммат». 21.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.30 — О. Холдор шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.30— Дам олиш концерти. 00.30 — «Ғазал бўстонида».

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ:

## ҲУЖУМКОРЛИК САМАРАСИ

**Олий лига вакиллари мавсумни якунлаш арафасида турибдилар. Аксарият командалар ўйинларини тугатиб, жамғармаларини билишса, олтин медаль эгаси масаласи ҳали ойдинлашганча йўқ.**

**Ким чемпион бўлади? Москва ва Киев динамочилари ўртасидаги беллашувда бу саволга жавоб топилади. Ҳозирча Москва динамочилари карвонбошилик қилишмоқда. Улар навбатдаги турда Ереваннинг «Арарат» командасини қабул қилиб 6:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Улар ҳисобида 38 очко бор. Москваликларнинг ҳужумчиси Бородюк «Арарат» билан бўлган учрашувда дарвозани тўрт марта ишғол этди. Бу билан у рақиблар дарвозасига киритган тўплари сонини 21 тага етказди.**

**Сўнгги тур учрашувларида ҳужумчилар маҳорат кўрсатишмоқда. Чунончи олий лига билан хайрлашган Одессанинг «Черноморец» футболчилари иккинчи омадсиз команда —«Торпедо» (Кутаиси) дарвозасига учта жавобсиз тўп йўналтирдилар.**

**Мавсум ниҳоясида 7:2, 5:3, 4:0 натижаларининг қайд этилиши ҳам диққатга сазовордир. Минск динамочилари «Жальгирис»ни 7:2, Москва спартакчилари эса «Нефтчи» клубини 4:0 ҳисобида енгди. Киев динамочилари ўз майдонида «Зенит» командасини 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.**

**Чемпионат якунланишига саноқли ўйинлар қолди. Москва ва Киев динамочилари ўзаро икки марта беллашсалар, «Зенит» ва «Шахтёр» командалари биттадан ўйин ўтказишади. Киев динамочилари эса мавсумни тугатишга қадар яна икки ўйинда қатнашадилар. Бу ўйинларнинг натижасига қараб командаларнинг турнир жадвалидаги аниқ ўрни маълум бўлади.**

ХОККЕЙ:

## БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

**Марказий Армия спорт клуби хоккейчиларининг ўз ҳамшаҳарлари —Москванинг «Динамо» спортчилари билан учрашуви ҳаяжонли спорт кураши остида ўтди. Чунки, армиячилар бу учрашувга қадар бирон марта ҳам мағлубиятга учрашмаган эди. Ўйинни зўр кўтаринки руҳда ўтказган динамочилар 5:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.**

## ОҒИР АТЛЕТИКАНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

●

Оғир атлетика бўйича «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти ўсмирлар биринчилигида барча мукофотларнинг ярмидан кўпини қорақалпоғистонлик штангачилар олишди.

— Оғир атлетика секцияси 1982 йилда ташкил этилган эди, — дейди тренер В. Пак. —Икки йилдан сўнг уни болалар-ўсмирлар спорт мактабига айлантиришди. Ёш штангачилар ихтиёрига ихтисослаштирилган марказий жисмоний чиниқиш зали берилди. Бу ерда ҳар куни беш группада юздан ортиқ бола машқ қиляпти. Ўтган йилдан бери Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонасидан ижарага олинган шу залдаги кўпгина нарсаларни болаларнинг ўзлари ясадилар.

«Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг Тахиатошдаги секцияси автоном республикада иккинчи оғир атлетика маркази ҳисобланади. Тўғри, бу ерда машғулотлар «бегона» залда ўтказиляпти. Афсуски, автоном республиканинг бошқа район ва шаҳарларида оғир атлетика билан шуғулланилмайди.

Биноларнинг етишмаслиги — асосий қийинчилик бўлиб турибди. Қорақалпоғистон АССР Физкультура ва спорт давлат комитетининг маълумотларига қараганда ўтган йилнинг ўзидагина йигирмата спорт зали фойдаланишга топширилган, республика бўйича эса уларнинг умумий сони 160 тага етади. Демак, мавжуд бинолардан унумли фойдаланилмаяпти.

Малакали тренерлар етишмаяпти. Нега шундай? Нукус давлат университети сўнгги беш йил ичидагина жисмоний тарбия бўйича қарийб 250 нафар мутахассис тайёрладику, ахир.

Юқорида гап юритилган штангачилар турнири Қорақалпоғистон оғир атлетикачиларининг аввалги шуҳратини қайта тиклашга умид туғдиради. Эндиликда Т. Мадаминов, А. Айдарбеков, А. Қошқинбоев ва бошқа ёш спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Полвонлари билан машҳур истиқболли ўлка — автоном республика спорт комитети раҳбарлари оғир атлетикачиларга чинакам эътибор беришади, деб умид қиламиз.

**В. ЛУЦЕНКО,**
**ЎзТАГ мухбири.**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 09137. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 266. ИНДЕКС 64583.